

Алоуддин Самаркандий (вафоти м. 1144 йил) замонасининг етук олимларидан эди. Унинг фикх, тафсир, хадис, усул, акоид, калом илмларига оид кўплаб асарлари бор. Лекин улар орасида «Тухфатул фукахо» асари ниҳоятда машхур бўлган. Олимнинг шогирди Алоуддин Абу Бакр Косоний унга шарх ёзиб, устозига такдим этди. Алоуддин Самаркандий шархдан шунчалик мамнун бўлдики, фикхда ўзига тенглаша оладиган сохибжамол кизи Фотимани шогирдига никохлаб берди. Мазкур шарх махр учун кифоя килди. Шундай килиб, одамлар орасида «Тухфа»сини шарх этиб, кизини олди», деган гап машхур бўлиб кетди.

(Нажмуддин Умар ибн Мухаммад Насафий, «Самаркандия», Тошкент, 2001 йил).

* * *

Умавийлар султони Хишом ибн Абдурахмон тахтга чикканида (х.172/м.788 йил) хали ёш, уйланмаган эди. Турмуш куриш истаги тугилиб, ўзига муносиб келинликка номзодларга Куръони каримни ёд олганликни шарт килиб кўйди. Шунда биргина Галин деган жойдан етти юз йигирма нафар Куръон хофизи бўлган киз чикди. Кейин султон иккинчи шарт кўйишга мажбур бўлди: бўлажак завжаси Имом Моликнинг «Муватто» хадис китобини ҳам ёд билиши керак эди. Шунда ҳам келинликка номзодлар камаймади: Куртубанинг ўзидан беш юз нафар киз ҳам Куръонни, ҳам «Муватто»ни ёд билиши аникланди.

(«Мусулмонларнинг таквим китоби», 2000 йил, 2-чорак)

Узукка кўз мос тушганидай келинлар ҳам куёвларга муносиб бўлган экан.